

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРРАХИМОВА МАКТУБА ХАБИБУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ ҲУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ
БОЛАЛАРДА АТОПИК ПАТОЛОГИЯ: КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИ,
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна

Ўзбекистоннинг саноат ҳудудларида яшовчи болаларда
атопик патология: клиник кўринишлари, диагностика
ва даволаш усулларини оптималлаштириш..... 3

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна

Атопическая патология у детей, проживающих в
промышленных регионах Узбекистана: клинические
проявления, оптимизация методов диагностики и лечения..... 27

Mirrakhimova Maktuba Khabibullaeva

Atopic pathology in children living in industrial regions
of Uzbekistan: clinical manifestations, optimization of
diagnostic and treatment methods..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРРАХИМОВА МАКТУБА ХАБИБУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ ҲУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ
БОЛАЛАРДА АТОПИК ПАТОЛОГИЯ: КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИ,
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib367 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Разикова Илмира Саъдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Халматова Барно Турдиходжаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич
тиббиёт фанлари доктори

Наврүзова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55; e-mail: immunologiya@qip.ru.).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С. Камалов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунда болалар ва ўсмирлар орасида аллергик касалликлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «...аллергик касалликлар (АК) болаларнинг 10% дан 50% гача ва ундан ортиқ қисмида учрамоқда»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...бронхиал астма (БА), аллергик ринит (АР) ва атопик дерматит (АД) каби касалликлар болаларда кўп ташхисланмоқда. Атопик дерматит барча аллергик касалликлар тизимида 50-75%ни ташкил қилиб асосий ўринни эгаллаб келмоқда»². Болаларда аллергик касалликлар учраш даражасининг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда аллергик касалликларнинг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Саноати ривожланган худудларида яшовчи болаларда аллергик касалликларнинг (бронхиал астма, аллергик ринит ва атопик дерматит мисолида) учраш даражасини асослаш ҳамда аллергик касалликларнинг ривожланиш хавф омиллари ва салбий экологик омилларнинг таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, аллергик патологиянинг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, болаларда аллергик касалликлар ривожланишида маҳсус IgE ва лейкотриен миқдорини, организм иммунологик бузилишларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш муҳимдир. Аллергик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, аллергик касалликлар билан касалланган болаларда ўтказилган дифференциал даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан аллергик касалликларни камайтириш мақсадида ҳукумат томонидан «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³ каби вазифалари

¹ globalasthmareport.org [Internet]. The Global Asthma Report 2014. Global burden of disease due to asthma [cited 17 Oct 2017]. Available from: <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

² Давлетбаева Г.Р. Иммунные нарушения у детей с атопическим дерматитом в сочетании с хроническими заболеваниями // Вестник современной клинической медицины, 2015, том.8.выпуск 4.с.56

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

белгиланган. Бу борада болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, болаларда учрайдиган аллергия касалликларни ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 майдаги ПҚ3715–сон «Аллергия касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Болаларда аллергия касалликлар ривожланишининг хавф омиллари ва клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усуллари оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: ЖССТ экспертлари (GINA, 2015, 2018), Children’s Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (АҚШ), Boston College, Chestnut Hill, MA (АҚШ), Nutrition Unit, Department of Prevention (Италия), Nutrition Department of Pediatrics and Functional Foods Forum, University of Turku (Финляндия), Rikshospitalet University Hospital; and Institute for Nutrition Research, University of Oslo (Норвегия), National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (Ҳиндистон), Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, Vilnius, Sveikatos mokslai (Литва), University of Chang Gung (Тайван); ФДБМ Болалар саломатлиги илмий маркази ва РТФА Озиқ-овқат институти (Россия), Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда болалардаги аллергия касалликларни ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: аллергия касалликлар шаклланишида хавф омилларининг ўрни ва кечиш хусусиятлари, клиник-иммунологик

⁴Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи: www.uwa.edu.au, www.en.sjtu.edu.cn, www.utoronto.ca, www.case.edu, www.en.uni.lu, www.iso.nbu.edu.cn, www.iums.ac.ir, www.asu.edu ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

ўзгаришлари аниқланган (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine, АҚШ); болалардаги атопик касалликлар патогенезида ARG16GLY ва GLN27GLU генлари аниқланган (National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology, Ҳиндистон); болалар ва ўсмирларда атопик касалликлари ривожланишида HLA-генотиплари аниқланган (ФДБМ Болалар саломатлиги илмий маркази, Москва); БАда бириктирувчи тўқима дисплазияси, ташқи нафас йўлларида сезувчанлик реактивлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган (All India Institute of Medical Sciences, Ҳиндистон); АҚда носпецифик ҳимоя тизимидаги нейтрофиллар ва комплементлар жараённинг оғирлик даражасига мос равишдаги фаоллиги аниқланган (Rikshospitalet University Hospital; and Institute for Nutrition Research, University of Oslo, Норвегия); болаларда атопик астма ташхисида эозинофил хужайраларининг фаоллиги аниқланган (Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, Vilnius, Sveikatos mokslai, Литва); бронхиал астма билан касалланган болаларда метабolik синдромнинг учраш даражаси, ривожланиш хавф омиллари, ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббий маркази, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болалар атопик патологияси клиник кўринишларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: аллергия патологиясининг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, болаларда аллергия касалликларга ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш, касалликни ташхислашда иммунологик маркерларини аниқлаш; аллергия патологияларда лейкотриенлар миқдори билан бошқа маркёрлар боғлиқлигини аниқлаш, қонда айрим иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; аллергия касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, касалликни дифференцирланган даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда атопик патологияни ўрганиш бўйича жаҳонда қатор илмий ишлар амалга оширилган (Безрукова Д.А., 2010, Камалтынова Е. М., 2013, Аюк А.С., 2018). Халқаро статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, аллергия касалликларнинг йиллик ўсиши ўртача 15-40% ни ташкил этади (Испаева Ж.Б., 2011, Hammer S.C., 2017).

Шуни таъкидлаш жоизки, атопик дерматит барча мамлакатларда, ҳар иккала жинсда ҳам, турли ёш гуруҳларида учрайди, шу кунгача атопик дерматитнинг тарқалиши АҚШ да болалар популяциясида 17,2% га етган, болаларда Европада – 15,6%, Японияда – 24%, бу сўнгги уч ўн йилликда уни аниқлаш тезлигининг барқарор ўсишини акс эттиради (Seegräber M. et al., 2018). Атопик дерматит билан касалланиш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар аҳолисида сезиларли даражада юқори, ноқулай ҳудудлардан келган муҳожирларда сезиларли даражада ошади (Намазова-Баранова Л.С. ва ҳаммуал., 2016).

Турли хавф омиллари ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиши аниқланди, ташхисот алгоритми ва даволаш ҳамда профилактика чоралари мажмуаси ишлаб чиқилди (Шарипова Н.С., 2016). Мактабгача таълим муассасалари шароитида аллергия патологияси бўлган болаларнинг соғлиғига комплекс баҳо берилган ва ушбу тиббий-ижтимоий амалиётни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Варфоломеева Т.В., 2013); атопик дерматит билан хасталанган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисоти ва даволашни оптималлаштириш уларнинг клиник ва патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва ичак микробиоценоз ҳолатини аниқлаш амалга оширилган (Усенко Д.В., 2013); паразитар инвазиянинг касаллик ривожланишига таъсирини ўрганиш асосида аллергия касалликлар ва реакцияларга чалинган болаларни кузатишнинг клиник ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган (Санникова А.В., 2015); клиник маълумотлар, лаборатория кўрсаткичлари ва балғамнинг хужайра таркибини чуқур таҳлил қилиш асосида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда бронхиал астмани эрта ташхислашнинг муҳим маълумотли мезонлари аниқланган (Рыбакова О.Г., 2016); болаларда аллергия касалликлар частотасини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлар оптималлаштирилган (Гладков С.Ф., 2017); болаларда атопик бронхиал астма ва унинг эозинофил фенотипи бўйича янги диагностик ва иммунологик мезонлар белгиланди, аллергияга қарши таъсир механизмлари аниқланди, атопик бронхиал астма бўлган болаларда физиотерапевтик усуллардан фойдаланиш схемалари ишлаб чиқилган, уларнинг самарадорлиги клиникаси, иммунофенотипи, алергологик статуси базис воситалар ёрдамидаги фармакотерапия даражаси мониторинги асосида баҳоланган (Асирян Е.Г., 2019).

Ўзбекистон Республикасида болаларда аллергия касалликларни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Янги туғилган чақалоқларда она қорнидаги инфекцияларда иммунопатологик ўзгаришлар, клиник кўринишлари ва механизмларининг хусусиятлари ўрганилган, шу асосда инфекциянинг юзага келиши прогностик мезонлари ва даволаш усуллари такомиллаштирилган (Раҳманкулова З.Ж., 2012); ўсмирларда бронхиал астмани даволаш оптимизацияси ёрдамида иммунологик ва генетик жиҳатлари ўрганилган (Зиядуллаев Ш.Х., 2014); болаларда бронхиал обструкция билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятлари аниқланган (Хайдарова М.М., 2018).

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт соҳасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилишига қарамай, sanoat худудларида яшовчи болаларда атопик патология клиник кўринишларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усуларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар камдир. Шу муносабат билан, ушбу касалликларга экологик омилларнинг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда болаларда аллергия касалликлар ривожланишининг хавф омиллари, лейкотриен рецепторларининг ролини аниқлаш ва уларни бошқа

маркёрлар билан корреляцион боғлиқлиги асосида патогенетик жиҳатларини очиб бериш бугунги кундаги долзарб муаммолардандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1800231-сонли «Болаларда бронх-ўпка ва аллергик касалликларни экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг саноат ҳудудларида яшовчи болалар атопик патологияси клиник кўринишларини ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мослаштирилган халқаро ISAAC саволномаси ёрдамида Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудларида яшовчи болаларда аллергик касалликларнинг (аллергик ринит, атопик дерматит ва бронхиал астма мисолида) учраш даражасини аниқлаш;

5 ёшгача бўлган болаларда аллергик патологиянинг ўзига хос клиник-иммунологик кечиши хусусиятларини аниқлаш;

аллергик касалликлар ривожланишига хавф ва салбий экологик омиллар таъсирини аниқлаш;

болаларда аллергик касалликлар ривожланишида лейкотриен рецепторларининг ўрни ва уни бошқа маркёрлар билан коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

экологик ноқулай ҳудудларда яшовчи болаларда аллергик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш;

аллергик касалликлар билан касалланган болаларда дифференциал даволаш усуллар самарадорлигини катамнамнез маълумотлар асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Тошкент вилоятида яшовчи 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган 7800 нафар болалар сўровномаси маълумотлари ва аллергик касалликлари билан 400 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар веноз қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар учун, пешоби лейкотриенлар миқдорини аниқлаш учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, функционал-инструментал, аллергологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патологияни ривожланиши унинг ҳаводаги хавф омиллари (аммиак, азод диоксида, олтингугурт диоксида, карбонат ангидрид) билан ифлосланиш даражасига (АИИ) тўғри пропорционал ортиши исботланган;

илк бор беш ёшгача бўлган болаларда аллергия ринитнинг йил давомида учраши, бронхиал астманинг асосан йўтал варианты устунлиги, атопик дерматитнинг оғир кечиши аниқланган;

экологик ноқулай ҳудудларда истиқомат қилувчи мактаб ёшидаги болаларда «жисмоний зўриқиш давомида нафас қисиши», «шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги қуруқ йўтал» ва «клиник ташхисланган бронхиал астма» каби клиник белгиларнинг учраши экологик хавфсиз ҳудудларга нисбатан кўплиги аниқланган;

илк бор интермиттирловчи ва енгил персистирловчи БАда, аллергия ринит (АР) ва атопик дерматит (АД) кечишида махсус IgE, пешобдаги лейкотриен (C4/D4/E4) ва қондаги эозинофиллар миқдори орасида корреляцион боғлиқлик борлиги исботланган;

илк бор саноат ҳудудларида яшовчи атопик патологияли (БА, АР ва АД) болаларда лейкотриен миқдорининг юқорилиги касаллик кечишини сезиларли даражада оғирлаштириши, бронхоспазм, йўтал, тумов ва теридаги белгиларнинг узок муддат сақланиб қолишига олиб келиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республика саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патология ривожланишининг хавф омиллари аниқланган;

саноат ҳудудларида яшовчи 5 ёшгача бўлган болаларда атопик патологияни эрта ташхислаш учун сўровнома ишлаб чиқилган;

мактаб ёшидаги болаларда аллергия касалликларни ўз вақтида аниқлаш учун халқаро ISAAC сўровномаси ўзгартирилган ва мослаштирилган;

атопик дерматит ва аллергия ринит касалликларини эрта ташхислаш учун пешобда Cys-LT миқдорини аниқлаш муҳимлиги асосланган;

атопик патологияси бор болаларда касалликни эрта ташхислаш усули ишлаб чиқилган, даволаш усули такомиллаштирилган ва унинг самарадорлиги пешобдаги лейкотриенлар ва қондаги махсус IgE миқдорини аниқлашга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг саноат ҳудудларида яшовчи болалар атопик патологияси клиник кўринишларини ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади, атопик патология ривожланишининг ҳаводаги хавф омилларига боғлиқлиги, атопия кечиши махсус IgE, пешобдаги лейкотриен (C4/D4/E4) ва қондаги эозинофиллар

миқдорлари билан тўғри пропорционал ўзгариши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патология ривожланишининг хавф омиллари аниқланганлиги, халқаро ISAAC сўровномаси ўзгартирилганлиги ва мослаштирилганлиги, эрта ташхислаш учун пешобда Cys-LT миқдорини аниқлаш муҳимлиги ҳамда ишлаб чиқилган атопик патологияли болалар пешобида лейкотриенлар ва махсус IgE миқдорига асосланган эрта ташхислаш ва оптималлаштирилган даволаш усули касаллик рецидивини профилактика қилиш, ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патологиянинг клиник кўринишларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда атопик патология: клиник кўриниши, диагностика ва даволаш усулларини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома атопик патологияга чалинган болаларда иммунитетнинг махсус омиллари фаолияти ҳолатидаги бузилишларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволашнинг оптимал усулларини танлашга ва қайталаниш даражасини камайтиришга хизмат қилган;

«Болаларда атопик дерматит» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома атопик дерматитга чалинган болаларда иммунитетнинг махсус омиллари фаолияти ва пешобдаги лейкотриенлар миқдоридаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

«Болаларда аллергик ринит» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аллергик ринитга чалинган болаларда иммунитетнинг махсус IgE ва пешобдаги лейкотриен миқдорларидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва қайталанишини олдини олишга хизмат қилган;

Республиканинг саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патологиянинг ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси ва Сурхондарё вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси клиник амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги 8н-з/163-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар аллергик касалликлар билан касалланган болаларда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик

асоратларини олдини олишга, беморларнинг хаёт сифатини яхшилашга ва ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола, жумладан, 21 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 170 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда атопик патологияни ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиёт манбаларининг аналитик шарҳи келтирилган, болаларда АК муаммоларининг замонавий тасаввурлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган. Алоҳида қисмида болаларда аллергик касалликларнинг (атопик дерматит, аллергик ринит ва бронхиал астма) ташхисоти ва даволашнинг замонавий жиҳатлари таҳлили келтирилган ҳамда ушбу муаммонинг ечилмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган жиҳатлари таъкидланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморлар тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва усуллари баён қилинган.

Иш уч босқичда бажарилди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун 7800 нафар 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалардан сўровнома ўтказилиб, улар уч ёш гуруҳига бўлинди:

Ангрен шаҳрида яшовчи болаларнинг умумий сони $n=2130$ (5 ёшгача $=630$; 7-8 ёшда $n=650$; 13-14 ёшда $n=850$);

Олмалик шаҳрида болаларнинг умумий сони $n=2130$ (5 ёшгача $=620$; 7-8 ёшда $n=630$, 13-14 ёшда $n=880$);

Чирчиқ шаҳрида болаларнинг умумий сони $n=2090$ (5 ёшгача $=600$; 7-8 ёшда $n=670$, 13-14 ёшда $n=820$);

Қибрай туманида болаларнинг умумий сони $n=1450$ (5 ёшгача $=450$; 7-8 ёшда $n=470$, 13-14 ёшда $n=530$).

Тошкент вилоятининг уч ҳудудида (Олмалик, Ангрен, Чирчиқ) тадқиқот ўтказишга сабаб, бу ҳудудларда бир неча ишлаб чиқариш объектлари жойлашган. Таққослаш учун Тошкент вилоятидаги экологик анча тоза ҳудуд (Қибрай)да яшовчи болалар орасида сўровнома ўтказилди.

Атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг инсон организмига бевосита ёки билвосита зарарли таъсир кўрсатмайдиган, шу жумладан ҳозирги ва келажак авлодлар учун узоқ муддатли оқибатларни келтириб чиқармайдиган максимал концентрациялари аниқланган (Хошимова А.Ё., 2018). Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси гидрометеорологик корхонаси томонидан ишлаб чиқилган стандартларга асосланган. Бир неча ифлослантирувчи моддалар атмосфера ҳавосида бир вақтда мавжуд бўлганлиги учун ифлосланиш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар йиғиндисидан фойдаланилади (Саломова Ф.И., 2018). Атмосфера ҳавосининг бир қатор моддалар бўйича умумий ифлосланиш даражасини атмосферанинг ифлосланиш индекси (АИИ) билан баҳолаш мумкин. $АИИ \leq 5$, юқори – $5 < АИИ < 7$, АИИ да юқори - $7 \leq АИИ < 14$ да ва жуда юқори ≥ 14 бўлса (Хоха Р.Н., 2016; Каримова Ф.Р., 2017).

Иккинчи босқичда сўровномада кўпроқ ижобий жавоб берган 1878 нафар болалар ташхисига аниқлик киритиш мақсадида махсус текширувлар ўтказилди. Улардан бронхиал астма ташхисига гумон қилинган болалар сони 919 нафар (48,9%), атопик дерматитга гумон қилинган болалар сони 581 нафар (30,9%) ва аллергик ринитга гумон қилинган болалар сони 378 нафарни (20,1%) ташкил қилди.

Учинчи босқичда эса 300 нафар АК билан касалланган болаларда комплекс даволаш тадбирлари ва катамнестик кузатувлар олиб борилди.

Болалар веноз қонининг иммунологик текшируви ТТА илмий лабораториясида амалга оширилди. Қонда умумий IgE (МЕ/мл) миқдорини иммунохемилюминисцент усули (COBAS E 411, Россия), қон зардобидида махсус IgE (МЕ/мл)ни қаттиқ фазали ИФА усули билан (С.А.Р. L.A., System, Россия) аниқланди.

Лейкотриенларни C4/D4/E4 миқдори беморларнинг пешобида ИФА усули билан (“C4D4E4 leukotriene” Neogen, Россия) аниқлашдан иборат бўлди.

БА ли болаларда даволашдан олдин ва кейин кўкрак қафаси рентгенографияси, спирография ва пикфлоуметрия амалга оширилди.

Болаларда АД оғирлик даражасини аниқлаш учун SCORAD (Prakoeswa C.S. et al., 2017) индексидан фойдаландик. Бу индекс қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$SCORAD=A/5+7*B/2+C, \text{ бу ерда}$$

А - терини шкастланиш майдони (%);

В – объектив белгиларнинг баллардаги йиғинди (эритема, шиш, сувланиш, эксскориация, лихенификация, куруклашиш);

С – субъектив белгиларнинг баллардаги йиғиндиси (қичишиш, уйқунинг бузилиши);

Беморларга ЛОР ва дерматолог мутахассисларининг маслаҳати амалга оширилди. Аллергик ринитли беморларда риноскопия амалга оширилди.

Аниқланган ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида АК билан касалланган беморларни дифференциал даволаш схемаси ишлаб чиқилди: I гуруҳ (назорат) – 90 та беморда умумқабул қилинган анъанавий базис даво ўтказилган; II гуруҳ – 210 та беморда анъанавий даволаш билан биргаликда монтелукаст (2 -5 ёшда 4 мг кунига 1 марта, 6 -14 ёшда 5 мг кунига 1 марта, 14 - 16 ёшда 10 мг кунига 1 марта 3 ой) дори воситаси қўлланилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Exell Version 7.0 амалий математик-статистик таҳлил дастурларидан фойдаланиб ўтказилди. Статистик усуллар танловни ўртача кўрсаткичи (M), ўртача стандарт хатолик (m), корреляция коэффицентини (r) аниқлашдан иборатдир. Статистик популяциядаги фарқларнинг ишончилиги Стьюдент (t) мезонларига кўра, турли хил дисперсиялар учун параметрик усулларда баҳоланди.

Диссертациянинг «**Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи болаларда атопик патологиянинг тарқалиши ва хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти саноат ҳудудларида яшовчи болаларда аллергия касалликларни тарқалиши ва хавф омиллари келтирилган бўлиб, касалликнинг тарқалиши ёшга, жинсга ва ҳудудларга боғлиқлиги исботланди.

Сўровномада Тошкент вилояти тўрт ҳудуди (Ангрен, Олмалик, Чирчиқ, Қибрай) даги 19 ўрта мактабдан ўқувчилар иштирок этишди. 63 та стационар постидан атмосфера ҳавосининг Республика бўйлаб ўртача ифлосланиш даражаси ҳақида маълумот олинган ва бу йилига шаҳарлар ҳавоси ифлосланиш даражасининг интеграл тавсифини берувчи атмосфера ҳавоси ифлосланиши индексини (АИИ) ҳисоблашга имкон берди.

Мониторинг дастури 5-6 та асосий ифлослантирувчи моддаларни қамраб олди: чанг (қаттиқ муаллақ зарралар), углерод оксиди (карбон моноксит), азот диоксиди, олтингугурт диоксиди ва азот оксиди.

Маълумотлар таҳлили кўрсатишича, текширилган муддатда атмосфера ҳавоси ифлосланиши Тошкент вилоятининг барча ўрганилган ҳудудларида, айниқса, Ангрен шаҳрида юқори бўлди. Ифлосланиш кўрсаткичи 2014 йилда -5,12 га, 2016 йилда -5,32 га, 2017 йилда -5,30 га тенг бўлди, бу II даражага, яъни атмосфера ифлосланиши юқори даражасига мос келади, бу эса болаларда АК келиб чиқишига олиб келди (1-жадвал).

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилган барча ҳудудларда АИИ руҳсат этилган концентрациядан юқори бўлди. Масалан, 2017 йилги маълумотларга нисбатан Чирчиқда АИИ миқдори - 1,6 мартага, Олмаликда - 2,06 мартага, Ангренда эса -2,5 мартага ошган.

1-жадвал

Тошкент вилояти хуудлари бўйича 4 йил ичида атмосфера ифлосланиш индекси кўрсаткичлари (ЎзР Гидрометеорология маълумотлари) мг/м³

Шаҳар	Ингредиентлар	АИИ				мёър даражаси**
		2014	2015	2016	2017**	
Олмалик	Углерод оксиди, олтингугурт диоксиди, азот диоксиди, аммиак, рух, муаллақ моддалар (АГМК, ПО Аммофос)	4,10	4,0	4,12	4,23	2,05
Ангрен	Фенол, аммиак, углерод оксиди, азот диоксиди, алюминий, муаллақ моддалар (Ўзқурилиш материаллари)	5,12	4,71	5,32	5,30	2,05
Чирчиқ	Аммиак, фенол, азот диоксиди, хлор буғи, муаллақ моддалар, углерод оксиди (Узхимпром, РО «Спецсплав»), Узбекнефтегаз, УзЭЛТехсаноат	2,95	3,61	3,61	3,41	2,05


Изоҳ: ** - Мёър 2017 йил маълумотларга нисбатан

Сўровномалар таҳлил қилинганда БА барча хуудларда 7-8 ёшли (46,3%), асосан ўғил болаларда (56,3%), аллергия ринит ва атопик дерматит эса 2-5 ёшли қиз болаларда устунлик қилди (66,9%).

Яшаш хуудди бўйича тақсимланишида эса Ангренда яшовчи болалар орасида ҳар бир ёшда БА нинг бошқа хуудларга нисбатан энг кўп тарқалганлиги аниқланди.

112/х-шаклга кўра, болаларда ўрганилган хуудларда расмий статистикага кўра, болаларда БА такрорланиш частотаси йилига 3 мартадан ошмаган. Сўров натижаларига кўра эса, (1,19%) ўқувчиларда йил давомида 4 дан 12 тагача қийинлашган хуштаксимон хуружлар кузатилган ва бу кўрсаткич 13-14 ёшли ўқувчиларда 2 марта юқори бўлди.

Болаларда хуштаксимон нафас туфайли тунги уйқунинг бузилиши 13-14 ёшдаги болаларда (9,3) 7-8 ёшдаги болаларга (2,8) нисбатан 3 марта кўп кузатилди ($p < 0,001$) (1 расм).




1-расм. Болаларда хуштаксимон нафас туфайли тунги уйқунинг бузилишлар частотаси.

Ўтган охириги йил давомида «кузатилган хуштаксимон нафаснинг кузатилиши» ҳақидаги саволга яшаш жойига боғлиқ бўлган ижобий жавоблар олинди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики Ангрен худудида яшовчи болалар (30,0%) томонидан энг кўп ижобий жавоблар олинди ($p < 0,001$).

Ангрен шаҳрида яшовчи болаларда Олмалик ва Чирчиқда яшовчи болаларга нисбатан «жисмоний зўриқиш давомида нафас қисиши» ($p < 0,01$), «шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги куруқ йўтал» ($p < 0,001$) ва «клиник ташхисланган бронхиал астма» учраши кўп кузатилди. Болаларда БА ва унинг клиник белгилари экологик ноқулай бўлган ҳудудларда Қибрай худудига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Экологик ноқулай худудда (Ангрен) 13-14 ёшли ўқувчиларда «қачон-дир қўйилган БА ташхиси» 5,2% ни ташкил этди, бу экологик хавфсиз ҳисобланган ҳудуд (Қибрай) га нисбатан деярли 5 баробар юқоридир. БА клиник белгилари частотаси ва аниқланган БА ташхиси ўртасидаги бу фарқлар барча ёш гуруҳларида аниқланди.


Охириги 12 ой ичида 25,1% мактаб ўқувчиларида аллергик ринит белгилари аниқланган бўлса (19,5% ва 35,3%), уларнинг 11,9% га АР ташхиси қўйилганлиги маълум бўлди, бу эса ўз навбатида гиподиагностика далилидир.

Шамоллаш ёки ўткир респиратор касаллик бўлмаганда ҳам аксириш, бурун оқиши ёки бурун битиши каби АР белгилари иккала ёш гуруҳидаги болаларнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Тадқиқот маълумотларига кўра АР белгиларининг охириги 6 ой ичида юқори тарқалиши билан (37,8%), қўйилган АР ташхиси 11,9% ўртасидаги фарқ деярли 3,1 марта кам эканлиги аниқланди. Болаларда АР клиник белгилари йил давомида кузатилди, лекин уларнинг учраш частотаси куз-баҳор даврларида ортиб туриши маълум бўлди. «Қачондир қўйилган АР ташхиси» деган саволга 46 нафар ўқувчилар ижобий жавоб беришди, бу кўрсаткичнинг энг юқори қиймати (17,1%) Чирчиқ худудида аниқланди (2-расм).



2-расм. Қачондир қўйилган АР ташхиси частотаси

Бизнинг текширувимизда атопик дерматитга гумон қилинган болаларнинг маълумотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, охириги 12 ой ичида қичима тошма пайдо бўлишига сўровда қатнашганларнинг 13,5% шикоят қилди ва бу кўрсаткич 7-8 ёш ўқувчиларда 1,1 марта кўп учради. Кучли қичишиш туфайли тунги уйқунинг бузилиши 14,4% болаларда ҳафтасига бир мартадан кам ва 13,2% болаларда эса ҳафтасига бир мартадан кўп кузатилди ва бу маълумот ҳам 7-8 ёшли болаларда сезиларли юқори бўлди.




3-расм. АД ташхиси болаларнинг яшаш жойи ва ёшига қараб тақсимланиши

Атопик дерматит билан касалланган болаларнинг яшаш жойи ва ёши бўйича тақсимланиши 3-расмда кўрсатилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, атопик дерматит барча ҳудудларда 7-8 ёшгача бўлган ўқувчилар орасида энг кўп учради.

Шундай қилиб, Тошкент вилояти мактаб ўқувчиларида АК асосий белгилари учрашини ўрганиш натижалари, бу касалликларни болалар орасида сезиларли даражада тарқалганлигидан, касалликнинг учраши ёшга, жинсга ва ҳудудга боғлиқлигидан далолат беради. Текширувлардан олинган натижалар бўйича турли ёш гуруҳларидаги мактаб ўқувчилари ўртасида АКнинг тарқалиш кўрсаткичлари тиббиёт муассасаларидан олинган расмий маълумотларга мос келмаслигини кўрсатди. Текширувда аниқланган АК

нинг оғирлик даражаси тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотлар билан солиштирилганда, бу фарқлар сабаби равшан бўлди. Бизнинг фикримизча, бу ҳудудларда АК нинг гиподиагностика сабаби болалар аллергологларининг етишмаслиги ва ҳозиргача бу ҳудудларда чуқур текширишлар ўтказилмаганлиги.


Диссертациянинг «Беш ёшгача бўлган болаларда атопик патологиянинг кечиш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида эрта ёшдаги болаларда АК учраш даражасини ўрганиш мақсадида беш ёшгача бўлган болаларнинг ота - оналаридан сўровнома ўтказилди. Сўровда 2300 нафар боланинг ота-оналари иштирок этди. Олинган натижаларга кўра, 278 нафар боланинг (12%) ота - оналари БА, 202 нафар боланинг (8,7%) ота-оналари аллергик ринит, 287 нафар боланинг (12,4%) ота-оналари атопик дерматит белгилари ҳақидаги саволларга ижобий жавоб беришди. Сўровномалар таҳлил қилинганда, «Болангизда бирор марта қийин, шовқинли нафас олиш ҳолати бўлганми» деган саволга 278 та онадан 12%; «Болангизда охириги 12 ой ичида шовқинли нафас, хуружсимон йўтал кузатилганми» деган саволга 10,9% ота-оналар шикоят қилди. Хуштаксимон хуружлар 4-12 мартагача 6,8% болада кузатилган ва бу симптомлар қизларга нисбатан ўғил болаларда кўпроқ учради ($p < 0,05$) (4-расм).



4-расм. Охириги йилда кузатилган хуштаксимон нафас частотаси

Астмасимон белгиларни қиёсий таққослашда Ангрен шаҳрида яшовчи 5 ёшгача бўлган болалар орасида Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларида яшовчи болаларга нисбатан «охириги 12 ой ичида шовқинли нафас, хуружсимон йўтал кузатилганми» ва «болангизда бирор марта қийин, шовқинли нафас олиш ҳолати бўлганми» деган саволларга ижобий жавоблар юқори бўлганлиги кузатилди. 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган барча болаларда бронхиал астманинг йўтал шакли аниқланди. «Шамоллаш билан боғлиқ бўлмаган тунги қуруқ йўтал» ва «бронхиал астма ташхиси қўйилганми» деган саволларга кўп ижобий жавоблар эса – Ангрен ва Олмаликда яшовчи болаларда кўп учради, бу ўз навбатида 5 ёшгача бўлган болалар орасида касалликнинг гиподиагностикасини тасдиқлади. Бизнинг текширувимизда 5 ёшгача бўлган болаларда аллергик ринит белгиларини яшаш жойи бўйича олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, аллергик ринит Чирчиқ ҳудудида яшовчи болалар орасида бошқа (Олмалик ва Ангрен) ҳудудларга нисбатан

энг кўп учрашди (48,5%) ва бу белгиларнинг 67,7 % асосан 2 - 5 ёшгача ва жинси бўйича тақсимланганда асосан қиз болаларда (60,1%) учради. 5 ёшгача бўлган болаларнинг 78,3% да аллергик ринит белгилари йил давомида кузатилди.



5-расм. Аллергик ринит белгиларини болаларнинг яшаш жойига қараб учраши, %.

АР белгиларини худудлар бўйича тарқалиш частотасини ўрганганимизда: «Болангизда охириги 12 ой ичида шамоллаш бўлмаганда аксириш, тумов ёки бурун битиши кузатилганми», «Болангизда бурун битиши ва қичишиши бўлганми?» деган саволларга асосан Чирчиқ худудидаги оналардан (20,2%, 17,3%) кўпроқ ижобий жавоб олинди.

Атопик дерматит болаларнинг яшаш худудлари бўйича ўрганилганда Ангрен (41,1%) ва Олмалиқ (30,6%) худудида яшовчи болалар орасида Чирчиқ худудига нисбатан энг кўп учраши аниқланди (6 расм), бу белгиларнинг болалар орасида тарқалиши 70% уч ёшгача ва жинси бўйича тақсимланганда 59,2% қиз болаларда учради.



6-расм. АД белгиларини болаларнинг яшаш жойига қараб учраши

«Болангизга атопик дерматит, қавариқ, овқат аллергияси, дори аллергияси ташхиси қўйилганми» деган саволга ҳам экологик ноқулай худудларда яшовчи оналарнинг баъзилари ижобий жавоб берди ва бу

белгилар ҳам асосан Ангрэн худудида кўпроқ кузатилди (8,3%). Атопик дерматит 60,2 % беш ёшгача бўлган болаларда оғир кечди.

Шундай қилиб, Тошкент вилоятининг экологик ноқулай бўлган худудларида 5 ёшгача бўлган болаларда аллергик касалликлар (бронхиал астма, аллергик ринит ва атопик дерматит) ва уларнинг клиник белгиларининг тарқалиши Қибрай худудига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Аллергик касалликларнинг 5 ёшгача бўлган болалар орасида тарқалиш ҳоллари педиатр ва бирламчи тиббий ходимларининг эътиборисиз қолмоқда, яъни бу касалликларнинг гиподиагностикаси мавжуд. Ушбу патология аллерголог-иммунолог назоратидан четда қолиб, тегишли статистиканинг нуқтаи назарига кирмайди, яъни 5 ёшгача бўлган болалар орасида АК нинг ҳақиқий тарқалиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ ва шунга кўра, патогенетик жиҳатдан асосли терапия ўз вақтида амалга оширилмайди.

Диссертациянинг «**Болаларда атопик патологиянинг регионал клиник-лаборатор хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида анамнезни ўрганиш шуни кўрсатдики, атопик касалликлар (84,5%) билан кузатилган болаларнинг аксарияти аллергик касалликларга нисбатан мураккаб ирсиятга эга бўлганлиги аниқланди.

Биз кузатган беморларнинг ота-оналаридан бирида 29,2% ҳолларда бронхиал астма, 19,5% - аллергик ринит, 16,3% -полиноз, 14,5% - озик - овқат аллергияси, 11,3 % -атопик дерматит ва 9,2% - дори аллергияси аниқланди.


Гуруҳдаги болаларнинг яқин қариндошларининг 22,7% ошқозон ичак касаллиги аниқланди. Ҳомиладорлик даврини ўрганиш шуни кўрсатдики, оналарни ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидаги гестоз (41,5%), камқонлик (61,5%) ва аллергия (63,3%) безовта қилиши устунлик қилди. Кўпчилик оналарда ҳомиладорлик даврида аллергик ва соматик касалликларнинг кузатилганлиги уларнинг болаларида атопик патология келиб чиқишига сабаб бўлганлиги аниқланди.

Атопик патология билан касалланган болалар ҳаётининг биринчи йилида бронх-ўпка, аллергик касалликлар билан кўпроқ оғриганлар ва бу касалликлар кўпинча тез-тез қайталаниб турганлиги ($p < 0,001$) маълум бўлди.

Биз кузатган 5 ёшгача бўлган беморларнинг аксарияти (71,3%) тез-тез вирусли респиратор инфекциялар ўтказган бўлиб, улар сабабий омиллар таъсирида кучайиб атопик касалликлар (асосан БА) шаклланишига ёрдам берганлиги аниқланди.

Текширувдаги 5 ёшгача бўлган беморларнинг ёндош касалликларини ўрганиш шуни кўрсатдики, болаларнинг 41,5%да камқонлик, 31,4 % рахит, 23,7% аллергик диатез, 21,4% семизлик ва 9,2% камвазинлик аниқланди. Текширилган беморларнинг 35,5% озик - овқат аллергияси, 22,3% - дори аллергияси аниқланди.

Аллергик касаллик аниқланган болаларнинг 64,9% (АД ва БА) да гастроэнтерологик шикоятлар аниқланди (7-расм).



7- расм. АД ва БА бўлган болаларнинг гастроэнтерологик шикоятларининг характери

Кўпинча бу беморларни қорин сохасидаги безовталик (59,3%), қоринда оғриқ (32,1%), кекириш (24,5%) ва кўнгил айнаши (15,6%) белгилари безовта қилди. Баъзан болалар қусиш (12,8%), қабзият (10,5%) ёки ични суюқ келишига (8,7%) шикоят қилдилар.

Бизнинг кузатувимиздаги атопик касаллиги бор бемор болаларни периферик қон кўрсаткичларини ўрганиш эозинофиллар сонидан фарқли периферик қонда сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Соғлом болаларга нисбатан эозинофиллар сони атопик дерматитда 5,1; БА 4,5 ва АР 3,9 марта ошди ($p < 0,001$) (2-жадвал).

GINA (2018) га кўра, болаларда бронхиал астма кечишида қондаги эозинофилия касаллик фенотипини аниқлашда муҳим рол ўйнайди ва касалликнинг қайталанишида хавф омили ҳисобланади.

Текширувдаги болаларда, умумий IgE даражаси юқори рақамлардан нормагача ораликда ўзгариб турди. Бронхиал астма билан касалланган болаларда умумий IgE нинг миқдори 101-1046 МЕ/мл ораликдан 399,63 МЕ/мл гача бўлди.

Аллергик ринитда умумий IgE нинг 96-1003 МЕ/мл ораликдан 337,21 МЕ/мл ораликда бўлди.

Атопик дерматитда бу кўрсаткич 99,1-1028 МЕ/мл ораликдан 385,24 МЕ/мл ораликда бўлди. Умумий IgE миқдори назорат гуруҳида АК ларга нисбатан ишончли фарқ ($p = 0,0001$) қилди (33,8 МЕ/мл ораликдан 12,1 – 95 МЕ/мл).

Умумий IgE миқдорининг энг юқори кўрсаткичи БА кузатилди ва бу кўрсаткич соғлом болаларга нисбатан 11,8 марта юқори бўлди.

2-жадвал

Атопик касалликларда периферик қондаги кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	БА n=220	АР n =80	АД n =100	Соғлом болалар n=20
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	3,2±0,053	3,1±0,095	3,1±0,053	4,03±0,03
Гемоглобин, г/л	98,4±1,2	106,4±1,99	96,6±2,1	122,4±1,1
Ранг кўрсаткичи	0,89±0,02	0,88±0,01	0,9±0,02	0,92±0,01
Лейкоцитлар, $10^9/л$	7,8±0,14	7,4±0,22	7,31±0,14	6,72±0,17
эозинофиллар	5,9±0,29*	4,21±0,81**	6,7±0,31*	1,31±0,12
ЭЧТ, мм/с	8,2±0,43	10,3±0,71	9,2±0,43	6,5±0,4

Изоҳ: $p < 0,05-0,001$ соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан.

АК бор 302 нафар болада пешобда умумий лейкотриенлар (С4/Д4/Е4) миқдорини ўргандик (3-жадвал).

3-жадвал

АК лейкотриен рецепторлари ҳолати (С4Д4Е4), нм/мл

Текширилганлар сони (n=302)	С4Д4Е4, нг/мл
БА интерметирловчи (n=54)	2,7±0,14*
БА енгил персистирловчи (n=38)	6,8±0,48**
Аллергик ринит (n=90)	5,1±0,80**
Атопик дерматит (n=90)	5,9±0,04**
Соғлом болалар (n=30)	0,93±0,042

Изоҳ: * $p < 0,001$ АК гуруҳлари ва соғлом болалар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги

Олинган натижалардан Тошкент вилоятининг sanoat ҳудудларида яшовчи болаларда АК патогенезида лейкотриен механизми мавжудлиги кўрсатилган бўлиб, бу БА, АР ва АД кечишини сезиларли даражада оғирлаштиради, бронхоспазм, йўтал, тумов ва теридаги белгиларнинг узок муддат сақланиб қолишига олиб келади. Буни бизнинг клиник текширувимиз натижалари тасдиқлади.

